

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ

**ЁШЛАР ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент - 2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ
АГЕНТЛИГИ

**ЁШЛАР ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент – 2024 йил

Ёшлар ҳуқуқи бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. – 31 бет.

Мазкур услубий қўлланма ёшларнинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан, таълим, иқтисодий, соғлиқни сақлаш, уй-жойга бўлган ҳуқуқларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ.....	5
ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ.....	8
ЁШЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ.....	19
ЁШЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ.....	23
ЁШЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ.....	26
ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ	29

КИРИШ

Бугунги кунга келиб мамлакатимиз аҳолиси сони 37 млн кишидан ошди. Статистик маълумотларга кўра, ёшлар 9,6 млн нафарни (жами аҳолининг 26 % дан ошиқроғи) ташкил қилмоқда. Бу меҳнатга яроқли аҳолининг (20,7 млн киши) деярли ярмига тенг деганидир.

Бу ҳолат мамлакатимизда ёшларнинг ўрни қанчалик улканлигини кўрсатиб, давлат ва жамият томонидан уларга алоҳида эътибор қаратишни тақазо этади. Шу сабабли, ҳозирда давлатимиз томонидан ёшларнинг таълим олишига тенг имконият яратиш, касб-ҳунар ўрганиши ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боби оила, болалар ва ёшларга бағишланган бўлиб, унда ёшларнинг бир қатор ҳуқуқ ва манфаатлари акс эттирилган.

Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчилик базаси мунтазам ривожлантириб борилмоқда.

Шу билан бирга, давлат томонидан ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши, касб-ҳунар ўрганиши, таълим олиши ва саломатлигини мустаҳкамлаши учун ижтимоий ёрдам кўрстаиш, субсидия ва имтиёзли кредитлар бериш тизими йўлга қўйилган.

Шунга кўра, ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини амалиётда қўллаш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур қўлланма ёшлар ҳуқуқлари соҳасида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Ушбу қўлланма тавсиявий хусусиятга эга бўлиб, жойлардаги “маҳалла еттилиги”, давлат хизматчилари ҳамда ёшларга мўлжалланган.

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

🟢 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби оила, болалар ва ёшларга бағишланган.

🟢 Конституциянинг 78-моддасига мувофиқ боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир.



🟢 Конституциянинг 79-моддасида давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириши белгиланган.

🟢 Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

Давлат ва жамият болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

➤➤➤ Ёшларга оид давлат сиёсатининг **асосий йўналишлари** қуйидагилардан иборат:

✅ ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

- ✔ ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш;
- ✔ ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш;
- ✔ ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш;
- ✔ ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш;
- ✔ ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;
- ✔ ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш;
- ✔ ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш;
- ✔ иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш;
- ✔ ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- ✔ ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- ✔ ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш;
- ✔ ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.



**Ёшларга
берилган
кафолатлар**

бепул тиббий хизмат кўрсатилиши

бепул умумий ўрта ва ўрта махсус таълим олиш

давлат таълим муассасаларида давлат грантлари доирасида бепул касб-ҳунар ва олий таълим олиш

давлат спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий муассасаларига бориш учун шарт-шароитлар яратиш;

уй-жой қуриш, олиш ва уни реконструкция қилиш учун имтиёзли кредитлар бериш

таълим муассасаларида ўқиш учун имтиёзли кредитлар бериш

етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш

ўрта махсус, касб-ҳунар ёки олий таълим муассасасини битирганидан кейин бандликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш

меҳнат соҳасида ёшга доир ўзига хосликларни инобатга олган ҳолда имтиёзлар бериш ва ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун шарт-шароитлар яратиш


ижтимоий инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш чоғида ёшларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш

жамоат транспортидан фойдаланишда имтиёзлар бериш

ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

- 🔘 Қонунга кўра, давлат ёшларнинг **иқтисодий мустақиллигини** қўллаб-қувватлайди.

Ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усуллари



- 🔘 Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида давлат томонидан субсидиялар ва имтиёзли кредитлар тизими жорий этилган.


»»» “Ёшлар дафтари”га киритилган деҳқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратиш бўйича “Ёшлар дафтари” жамғармаси Васийлик кенгашига ёхуд “Онлайн маҳалла” электрон платформаси (<https://online-mahalla.uz>) орқали мурожаат қилиши мумкин.

Субсидия олиш усуллари:

мустақил равишда www.online-mahalla.uz платформаси орқали

“Ёшлар дафтари” жамғармаси
Васийлик кенгашига шахсан мурожаат қилиш орқали

Томорқа ер эгаси бўлган ёки деҳқончилик билан шуғулланиш учун, шу жумладан, янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида **0,1 гектардан 1 гектаргача** ер майдони ажратиб берилган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун **БХМнинг 8 бараваригача миқдорда** ҳоким ёрдамчисининг ижобий тавсияси асосида “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан мазкур келтирилган схемага мувофиқ субсидия ажратилади.




Уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратиш бўйича туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгашига ўз эгалигида ёки фойдаланишида бўлган ерга нисбатан ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат ва етказиб берувчи ташкилот ўртасида тузилган шартнома нусхасини тақдим этиб мурожаат қилади.


Изоҳ!

* «Ёшлар дафтари»га киритилган қуйидаги тоифадаги ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратилади:


- ✓ «Темир дафтар»га киритилган оила фарзанди
- ✓ «Аёллар дафтари»га киритилган аёллар фарзанди
- ✓ «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оила фарзанди
- ✓ Ишсиз ёш фуқаро
- ✓ Деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёш фуқаро.




Мурожаатни унга илова қилинган шартнома билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ҳоким ёрдамчисига кўриб чиқиш учун юборади.



Ариза берувчининг уруғлик ва кўчатлар экиш учун мавжуд шароити ўрганилиб, тавсия ёки рад этиш ҳақидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади.



Ҳоким ёрдамчиси томонидан белгиланган муддатда ариза берувчининг уруғлик ва кўчатлар харид қилиш бўйича мурожаатига тавсия ёки рад этиш ҳақида хабарнома берилмаса ёки асоссиз рад этилганлиги аниқланса, Васийлик кенгаши ариза берувчининг мурожаатини қаноатлантиради.



Уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратиш ҳақида қарор қабул қилади ва субсидия учун белгиланган маблағларни етказиб берувчи ташкилотнинг ҳисобварағига ўтказди.

»»» Деҳқончилик ва томорқа хўжалигини юритиш билан шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия **БҲМнинг 8 бараваригача** миқдорда “Ёшлар дафтари” жамғармасидан ажратилади.

🟢 Субсидия ажратиш учун ариза берувчи Васийлик кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

✅ ариза берувчининг эгалигида ёки фойдаланишида бўлган ерга нисбатан ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (ижара шартномаси ва бошқалар);

✅ уруғлик ва кўчатларни харид қилиш бўйича етказиб берувчи ташкилот билан тузилган шартнома нусхаси.

Васийлик кенгаши 3 иш куни ичида мурожаатни унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга ариза берувчи фаолият юритиб келаётган маҳалладаги ҳоким ёрдамчисига кўриб чиқиш учун юборади

Ҳоким ёрдамчиси ёшлар етакчиси ва тегишли соҳа мутахассислари билан биргаликда 5 иш куни ичида жойига чиққан ҳолда уруғлик ва кўчатлар экиш учун мавжуд шароитни ўрганади

Васийлик кенгашининг қарорига асосан 3 иш куни ичида «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия етказиб берувчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига ўтказилади




Ҳоким ёрдамчиси ўрганиш натижаларига кўра, уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун субсидия ажратиш ҳақидаги тавсиянома ёки рад қилиш тўғрисидаги хабарномани Васийлик кенгашига киритади.

Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касаначиликка ўқитиш


Касаначилик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган ишсиз ва банд бўлмаган хотин-қизлар ва ёшлар қуйидаги ҳолларда касбга ўқитилади:



Касаначилар қуйидаги жойларда ўқитилади:


-  “Ишга марҳамат” мономарказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари ҳамда маҳаллаларда ташкил этилган касбга ўқитиш масканларида;
-  вазирлик ва идоралар тизимидаги профессионал таълим ташкилотларида ташкил этилган қисқа муддатли касб-хунарга ўқитиш курсларида;
-  нодавлат касб-хунарга ўқитиш ташкилотларида.


ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ХИЗМАТИ

 Ёшларни ва ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистонда ёшлар ижтимоий хизмати фаолият кўрсатади.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятининг йўналишлари

- ёш фуқароларга психологик-педагогик, юридик ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш;
- имконияти чекланган ёш фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш;
- ёш оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш;
- таълим ва меҳнат жамоаларида ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;
- ёш мутахассисларга янги иш жойига мослашишида, уларни қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда уларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш;
- вояга етмаганлар учун ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ижтимоий ёрдам кўрсатиш;
- озодликдан маҳрум этиш жойларидан ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёш фуқароларни ижтимоий мослаштириш;
- ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- ҳуқуқий тарғибот, ёшларни ишга жойлашиш, таълим олиш ва касбий тайёргарлик борасида, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, туризм ва спорт соҳасидаги имкониятлар тўғрисида хабардор этиш;
- ёшларнинг яшаш жойларида бўш вақтларини мазмунли ўтказишини ташкил этиш.

 Психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга **психологик хизматлар** кўрсатиш давлат томонидан таъминланади.

 Иختисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун маҳалладаги ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида БҲМнинг 4 бараваридан ошмаган миқдорда “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидаги схемага мувофиқ субсидия ажратилади.

Харажатларни қоплаб бериш усули

психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида маҳалладаги ёшлар етакчисига ариза бериш орқали

• Ариза берувчи харажатларни қоплаш мақсадида ёшлар етакчисига ариза беради. Ёшлар етакчиси томонидан ариза кўриб чиқилади.

1 иш куни

3 иш куни


• Ёшлар етакчиси ариза берувчининг шароитини ўрганади ва пуллик психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси Васийлик кенгашига тавсиянома беради.

• Васийлик кенгаши тавсия асосида пуллик психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун қарор қабул қилади ва туман (шаҳар) ҳокимликларига юборади.

3 иш куни

✔ Туман (шаҳар) ҳокимликлари 3 иш куни ичида васийлик кенгаши қарори асосида психологик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар учун маблағларни психологик ёрдам берувчи ташкилотнинг банк ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

»»» Психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга қуйидаги муассасаларнинг малакали психологлари томонидан маслаҳатлар берилади:




🟡 Ногиронлиги бўлган ёки бемор ёшларга зарур бўлган **тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларни** ижтимоий ходим билан биргаликда **харид қилиш учун БҲМнинг 40 бараваригача миқдорда пул маблағи** “маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарори асосида ажратилади.

✔ **Ногиронлиги бўлган шахс** — ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-

шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс.



 “Ёшлар дафтари”га киритилган бемор ёшларга мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ёшлар етакчисининг ижобий тавсияси асосида БҲМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади.

 **Субсидия ажратиладиган ёшлар тоифалари:**


“Ёшлар дафтари”га киритилган қуйидаги тоифадаги бемор ёшларга даволаниш харажатлари қоплаб берилади:

“Темир дафтар”га киритилган оила фарзанди

“Аёллар дафтари”га киритилган аёллар фарзанди

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”АТга киритилган оила фарзанди

Саломатлигида нуқсони мавжуд ва оиласи кам таъминланган ёш фуқаро



ЁШЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ

Меҳнат қонунчилигига кўра, давлат аҳолининг **ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини** ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатларни таъминлайди.

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари жумласига қуйидаги ёшлар киради:

✓ умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактабларини, касб-ҳунар коллежларини ҳамда техникумларини тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар;

✓ «Меҳрибонлик» уйларининг битирувчилари, шунингдек олий таълим ташкилотларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари.




»»» Ишга қабул қилишга шахслар меҳнатга оид ҳуқуқ лаёқатига ва муомала лаёқатига эга бўлиши билан, **16 ёшдан** йўл қўйилади.


🔘 Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим ташкилотларининг, касб-ҳунар мактабларининг, коллежлар ва техникумларнинг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий камол топишига зиён етказмайдиган, ўқитиш жараёнини бузмайдиган енгил меҳнатни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун ишга қабул қилишга — улар **15 ёшга тўлиши билан** ота-онадан бирининг (ота-онасининг ўрнини босувчи шахсинг) **ёзма розилиги билан** йўл қўйилади.



✓ 18 ёшгача бўлган ёшларга «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ белгиланадиган энг кам иш ўринлари ҳисобидан захирадаги иш ўринларига маҳаллий меҳнат органларининг йўлланмаси билан ишга жойлашиш кафолатланади.

»»» 18 ёшгача бўлган шахсларнинг меҳнатини қуйидаги ишларда қўллаш **тақиқланади**:


-  меҳнат шароити зарарли ва (ёки) хавfli бўлган ишларда;
-  ер ости ишларида;
-  бажарилиши уларнинг ҳаётига ва соғлиғига, хавфсизлигига ва маънавий жиҳатдан камол топишига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда (тунги кафе ва клубларда, спиртли ичимликларни, тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни, токсик препаратларни ишлаб чиқариш, ташиш ҳамда сотиш ва бошқалар).

 18 ёшгача бўлган ходимларнинг улар учун белгиланган йўл қўйиладиган **энг кўп нормалардан ортиқ бўлган** оғирликдаги юкларни кўтариши ва ташиши тақиқланади.

*18 ёшгача бўлган ходимлар меҳнатининг қўлланилиши тақиқланадиган ва бажарилиши вояга етмаганларнинг соғлиғига ва маънавий жиҳатдан камол топишига зиён етказиши мумкин бўлган ишлар рўйхати билан танишиш учун **QR-кодни** сканерланг.*



18 ёшгача бўлган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари

 18 ёшгача бўлган ёшлар меҳнатга оид яқка тартибдаги ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлади, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллари ва бошқа меҳнат шарт-шароитлари соҳасида эса улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ҳамда меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёزلардан фойдаланади.

18 ёшгача бўлган ёшлар фақат **дастлабки мажбурий тиббий кўрикдан ўтганидан кейин** ишга қабул қилинади ва кейинчалик улар 18 ёшга тўлгунига қадар ҳар йили мажбурий тиббий кўрикдан ўтиши лозим.



*Мажбурий тиббий кўриклар **иш берувчининг маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади.*



Иш вақтининг давомийлиги 16 дан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган, 15 дан 16 ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига 24 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Ўқув йили давомида ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўқувчиларнинг иш вақти давомийлиги юқорида назарда тутилган иш вақти энг кўп давомийлигининг ярмидан ошиши мумкин эмас.



18 ёшгача бўлган ходимлар учун ҳар кунлик ишнинг (сменанинг) давомийлиги

Смена давомийлиги қуйидагилардан ошиши **мумкин эмас:**

15 дан 16 ёшгача бўлган ходимлар учун:

6 кунлик иш ҳафтасида — 4 соатдан;

5 кунлик иш ҳафтасида — 5 соатдан.

16 дан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун:

6 кунлик иш ҳафтасида — 6 соатдан;

5 кунлик иш ҳафтасида — 7 соату 30 дақиқадан.



Ўқув йили давомида ишни ўқиш билан бирга олиб борувчи умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ташкилотларининг 15 дан 16 ёшгача бўлган ўқувчилари учун – 6 кунлик иш ҳафтасида – 2 соатдан, 5 кунлик иш ҳафтасида – 2 соату 30 дақиқадан, 16 дан 18 ёшгача бўлган ўқувчилари учун эса 6 кунлик иш ҳафтасида – 3 соатдан, 5 кунлик иш ҳафтасида – 4 соатдан.



»»» 18 ёшгача бўлган ходимларни **хизмат сафарига юбориш, тунги ишларга, дам олиш кунларидаги ва ишланмайдиган байрам кунларидаги** ишларга жалб қилиш **тақиқланади**.

»»» 18 ёшгача бўлган ходимларга давомийлиги камида 30 календарь кун бўлган йиллик меҳнат таътили берилади ва улар бу таътилдан йилнинг ўзлари учун қулай бўлган исталган вақтида фойдаланиши мумкин.

✔ 18 ёшгача бўлган ходимларни йиллик меҳнат таътилидан чақириб олишга йўл қўйилмайди.

»»» 18 ёшгача бўлган ходимлар билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя этишдан ташқари, **маҳаллий меҳнат органининг розилиги** билан йўл қўйилади.

ЁШЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ

»»» Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 50-моддасига асосан ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга.

✓ Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди.

✓ Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади.

✓ Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир.

✓ Мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратидадир.

✓ Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади.



Фуқаролар давлат таълим ташкилотларида **танлов асосида** давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли.

Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

Тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитларини ажратиш тартиби

»»» Таълим кредити қуйидаги **таълим ташкилотларида** ўқийдиган талабаларга берилади:

✔ давлат, нодавлат олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари;

✔ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хорижий олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари.

🔘 Кредит олувчи таълим кредитини олиш учун тижорат банкларига қуйидаги **ҳужжатларни** тақдим этади:

✔ таълим кредити олиш тўғрисидаги ариза;

✔ талаба ва таълим ташкилоти ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт) ва унга илова қилинадиган ҳисоб варақаси/фактураси (мавжуд бўлганда);

✔ банкнинг кредит сиёсати ва ички тартибига мувофиқ таълим кредити қайтарилишининг таъминоти бўйича ҳужжат;

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га кирган оилаларнинг фарзандларига ажратиладиган таълим кредити бўйича **гаров ва кафиллик талаб этилмайди.**


✔ «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилганлигини тасдиқловчи маълумотнома («Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган оилалар фарзандлари учун);

✔ банкнинг ички ҳужжатларида (сиёсатида) белгиланган бошқа ҳужжатлар, шу жумладан, биргаликда кредит олувчига тегишли маълумот ва ҳужжатлар.

Таълим кредити ажратувчи банклар **рўйхати** Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

»»» Таълим кредитининг фоиз ставкаси – **Марказий банкнинг асосий ставкаси** миқдорига тенг.


✓ Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, таълим кредити бўйича фоиз ставкаси мутаносиб равишда пасаяди, Марказий банкнинг асосий ставкаси оширилган тақдирда эса таълим кредити бўйича фоиз ставкаси ўзгаришсиз қолади.



»»» Таълим кредитлари учун **фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш** таълим ташкилотига маблағлар ўтказилган санадан бошлаб, **асосий қарзни қайтариш** эса кредит олувчи томонидан таълим ташкилотида таълимнинг ушбу тури бўйича ўқишнинг расмий белгиланган муддати тугаллангандан сўнг 7 ойдан бошлаб амалга оширилади.


ЁШЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙГА БЎЛГАН ХУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ


- 🟢 Конституцияга мувофиқ ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланади.
- 🟢 Давлат ёшларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади.
- ✅ Ёшларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини таъминлаш мақсадида бир қатор имкониятлар яратилган.
- »»» Турмуш қураётган ёшлар ўз хонадонида **қўшимча уй-жой қуриш учун** гаровсиз кредит олиш учун кафиллик ажратилишини сўраб туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси васийлик кенгашига тижорат банкининг кафиллик бериш ҳақидаги хати билан бирга ариза беради.





Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга **12 ойгача** турар жой учун ижара компенсацияси ҳар ойда **БҲМнинг 3 бараваридан ошмаган миқдорда** «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади.


Субсидия ажратиш учун:


 Эр-хотиннинг ҳар иккиси ўттиз ёшдан ошмаган (ўттиз бир ёшга тўлмаган) бўлиши;


 мулк ҳуқуқи асосида турар жойи бўлмаган'


 илгари мақсадли дастурлар доирасида имтиёзли ипотека кредитлари орқали квартира ёки якка тартибдаги уй-жойлар билан таъминланмаган;


 ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ёки уй-жойлар таъминоти билан боғлиқ бошқа имтиёزلардан фойдаланмаган;


 ҳар иккиси ёки бири «Ёшлар дафтари»га киритилган бўлиши талаб этилади.

 Ариза берувчи субсидия ажратишни сўраб Васийлик кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

 *турар жой ижара шартномаси нусхаси;*

 *ижара шартномасининг солиқ органларида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги билдиришнома.*

 Ҳужжатлар тақдим этилгач Васийлик кенгаши **3 иш куни ичида** мурожаатни илова қилинган ҳужжатлар билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ёшлар етакчисига юборади.

 Ёшлар етакчиси **5 иш куни ичида** субсидия ажратиш ҳақидаги тавсияномани ёки рад этиш тўғрисидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади.

Маълумот учун. Агар ёшлар етакчиси мурожаатни унга тушган пайдан бошлаб 5 иш куни ичида кўриб чиқмаса ёки субсидия ажратишни асоссиз рад этиш ҳақида хабарнома берса, Васийлик кенгаши ариза берувчининг ижтимоий



ҳимояга муҳтожлигини ҳамда унинг мурожаати ушбу параграф талабларига мувофиқлигини ўрганган ҳолда унинг мурожаатини қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлади.

»»» Мурожаатни ўрганиш натижалари бўйича Васийлик кенгаши томонидан ижара харажатларини қоплаш учун **субсидия ажратиш ҳақида қарор** қабул қилинганда Васийлик кенгаши ҳар ойнинг 5-қунигача ижара харажатлари учун субсидиянинг ойлик тўловларини ижарага берувчининг банк пластик картасига ўтказди.

*Ёшлар етакчиси ижарага олувчи томонидан ҳақиқатда ижарага олинган турар жойда яшаётганини **ҳар ойда камида бир марта** мониторинг асосида ўрганади.*

Ўрганиш жараёнида ижарага олувчи ижарага олинган турар жойда яшамаётганлиги аниқланган тақдирда, ёшлар етакчисининг тақдимномасига асосан ижара тўлови учун субсидия бериш тўхтатилади.

ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД НОРМАТИВ- ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси



Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси



Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–209-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–402-сон қарори



2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 312-сон Ҳукумат қарори



2021 йил 18 августдаги “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 527-сон Ҳукумат қарори



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 19.01.2022 йилдаги ПҚ-92-сонли қарори



“Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг якка тартибдаги хонадонда қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 12.10.2021 йилдаги 637-сон Ҳукумат қарори



2020 йил 25 мартдаги “Уй-жой сотиб олиш ёки якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 182-сон Ҳукумат қарори



